

Кексаларни эъзолаш — АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Давоми. Бошланғи 1-бетда

Биргина 2015 йилнинг ўзида кексаларимизни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 миллион 750 минг нафар отахон ва онахонларимизнинг пенсия миқдори 20 фойздан зиёд кўпайтирилди, уларга пенсия пуллари ўз вақтида ва узлуксиз етказиб берилиши таъминланди. Қолаверса, 1941-1945 йилларда урушда қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган 61 мингдан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3 миллиард 900 миллион сўм миқдоридagi компенсация пуллари тўлаб берилди.

Жорий йилнинг 18 апрелида Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши ҳам уруш ва меҳнат фронти фахрийларига кўрсатилаётган доимий эътибордан шохидлик беради. Фармонга мувофиқ, 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонлиниши муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига республикамиздаги бир қатор давлат идоралари, вазирликлар вакиллари тانتанали ва байрамона вазиятда топшириши юклатилди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар, "Маҳалла" жамағатлари ва бошқа нодавлат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари томонидан Ватанимиз озодлиги ва шайху шарафи химоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказилишига оид вазифалар белгиланди.

Мазкур фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросида биз, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг депутати, фаоллари ва аъзолари ҳам муносиб даражада иштирок этамиз, Хотира ва қадрлаш куни кўтаринки кайфият ва юқори даражада ўтказилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз, албатта. Партияимизнинг ҳудудий ташкилотлари ташаббуси билан жойларда — таълим муассасалари, маҳаллалар, ташкилот ва корхоналарда кучли ирода, матонат, сабр-бардош билан ие-не кийинчилликларни енгиб ўтган нуруний бобо-момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштиришга бағишланган суҳбатлар, учрашувлар уюштирилди. Бундай учрашувларга ўша машғум урунда қатнашган ёки фронт ортида меҳнат қилган фахрийларимизни азиз меҳмон сифатида тақдир этиб, уларнинг чиқишларидаги жонли ва ҳаётини мисоллари орқали ёшларимиз онг-шуурига тинчлик-осойишталикни қадрлашни янада кучлироқ сингдиришга эришамиз.

Зеро, ўтганларни хотирлаш, осмонимиз мусаффолиги учун курашган ёшимиздаги азиз инсонлар — отахон ва онахонларни эъзоллаш, қадрлаш ҳар биримизнинг фарзандлик вазифамиздир.

Умида СУЛАЙМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Бухгалтерия ҳисобининг шаффофлиги ТАЪМИНЛАНДИ

Давоми. Бошланғи 1-бетда

1996 йилдан буён амалда бўлган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг айрим моддалари ва нормаларини амалиётда қўллашда юзага келган бошқа қонун ҳужжатлари билан номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимини янада ривожлантириш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари томонидан қизғин баҳс-мунозаралар асосида муҳокама қилинган ҳам унинг илтимоси, пухта тайёрланишига, ҳаволини нормалардан имкон қадар холи бўлишига хизмат қилди, дейиш мумкин. Айниқса, ушбу жараёнда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг парламентдаги кўпчилиқнинг фикрларига нисбатан муҳолиф сифатида билдирган бир қатор тақлифлари қонунда ўз аксини топганлиги биз учун ахамиятлидир.

Жумладан, бухгалтерларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш имконияти тўғрисидаги норманинг қонунчилик йўли билан мустахкамланиши ҳамда унинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши бухгалтерларнинг умумий манфаатларини йқодалаш ва ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Қонунда янги қондаларнинг мустахкамлаб қўйилиши бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини, унинг мақсадлари ва вазифаларини тўлиқроқ очиб беришга, ушбу соҳада ошқоралик ва хавфсизлиқни оширишга, ички назорат тизимини мустахкамлашга, бухгалтерларнинг ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг касбий фаолиятини кучайтиришга қўмақлашади.

Умуман, қонунда тартибли тизим сифатида бухгалтерия ҳисоби тушунчаси ва унинг элементлари, бухгалтерия ҳисоби субъектлари ва объектлари, масъул шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратиш ҳамда бухгалтерлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган бўлиши бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш ҳамда ички назорат тизимини таъминлаш бўйича ҳўжалик юритувчи субъект ва бухгалтерия хизмати раҳбарларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қатор механизмлар қўзда тутилган.

Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарлари ва бухгалтерия хизмати раҳбарларининг ҳуқуқ, мажбуриятларини аниқлаштириш орқали уларнинг масъулиятини ошириш ва йприк корхоналарнинг бухгалтерия хизмати раҳбарларига маънавий талабларни белгиланган доир нормалар ўз аксини топган. Бухгалтерия ҳужжатларининг сақлаш муддатларини ўрнатиш ва мажбурий рекувизитларини бацафсил ёритиш, электрон ҳужжатлар айланиш тизимини юритиш масалаларига алоҳида ахамият берилган.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботни тақдим қилувчи бухгалтерия ҳисоби субъектларини аниқлашга доир нормалар белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, янги тахрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун бухгалтерия ҳисобининг шаффофлиги, ички назорат тизимини таъминлашга, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва бухгалтерларнинг ҳуқуқий маданияти, уларнинг касбий масъулиятини кучайтиришга, бухгалтерларнинг, республика профессионал жамоат бирлашмаларининг мақомини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада қонунибузиш ҳолатларининг олдини олади ҳамда қонун устуворлигини таъминлайди.

Зафар СУЛТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси



ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ МЕХАНИЗМИ

ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИМИЗ ИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРАДИ

Давоми. Бошланғи 1-бетда

Таъкидланганидек, "Адолат" СДП ўз Сайлововди дастурида иктисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори сифатида муқобил энергия манбалари, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳадаги зарур стандарт ва меъерларни тасдиқлаш, муқобил энергетикани жорий этиш ва рағбатлантириш юзасидан махсус дастурни қабул қилиш ва энергия сарфини иктисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар яратиш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан тежамкорона муносабатда бўлишни тушунириш ва тарбиот ишлари олиб боришни мақсад қилган.

Утган йиллар мобайнида партия Сиёсий Кенгаши ташаббускорлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва қатор ҳудудий кенгашлар фаоллари томонидан бутун мамлакатимиз миқёсида инновацияга асосланган иктисодиётнинг тараккий топишига эришиш йўлида самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Улар қаторида "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан ишлаб чиқилди. Хозирда ушбу қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва қабул қилинишига эришиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Даврон ТАНГИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:

«Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши юртимизда ҚТЭМ соҳасини тараккий эттиришнинг қонуний, илмий ва амалий йўналишларини белгилаб беради ҳамда мамлакатимиз миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми бўлган экологик ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш имконини яратади.

Айни пайтда Қонунчилик палатасида тузилган илмий гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг бу бордаги талабларини қонунга ятадирдан келиб чиққан ҳолда тайёрланмоқда. Чунки Ўзбекистон иқлими ва географик жойлашуви жиҳатидан муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқаришга жуда қулай. Шунинг учун ҳам қонунда қайта тикланувчи энергия манбаларидадан умумий электр тармоғига олинандиган электр энергиясини узатиш механизми ва тартибини

белгилаш, муқобил энергетикани ривожлантириш жамағатимизнинг шакллантириш каби масалаларнинг ҳуқуқий механизмларини акс эттириш қўзда тутилмоқда.

Шунингдек, илмий жамоатчилик ҳамда экспертларнинг тақлифларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини соҳада бозор муносабатларини «яшил иктисодиёт» тамойиллари асосида юритишни белгилловчи ҳуқуқий нормалар билан тўлдирди, соҳадаги илмий салоҳият, таълим, "ноухау" тизимидаги тренинглари ва малака ошириш масалаларини ҳам қамраб олишга эътибор қаратилмоқда. Қолаверса, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда илгўр хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаларига ҳам таянилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз иктисодиётида юксак ахамиятга эга муқобил энергия турларини ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Президентимизнинг "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам мустахкам асос бўлмоқда.

Ййғилиш сўнггида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёс САҲАТОВ,
«Adolat» мухбири

Сайловга тайёргарлик ишларида

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА

Давоми. Бошланғи 1-бетда

Дастлаб партия депутатлик гуруҳи ййғилишида бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир жараёнида депутатлар ва партиядошларимизнинг иштирокини таъминлаш ҳақида фикрлашиб олинди. Айни пайтда тумандаги фуқаролар ййғилиларида тузилган илмий гуруҳлари таркибида депутатлар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Улар жойларда вакиллар сайлаш юзасидан ййғилишлар ўтказаяптилар. Номзодлар бўйича билдирилган тақлифлар асосида тайёрланган ҳужжатлар «Фуқаролар ййғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига биноан туман қўмақлашувчи комиссияга тақдим этилмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамятида аҳолининг турмуш фаровонлиги, иш билан бандлиги, қучли ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим масалалар, аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда фуқаролик жамяти институтлари томонидан ҳал этилади. Демак, ушбу мақсадларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиши маҳалла институти ҳам муҳим ўрин тутди. Юртимизда фуқаролар мустақил фаолиятининг ноёб шакли бўлган маҳалла институти йил сайин тақомиллашмоқда.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ролини кучайтириш, жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш, маҳаллани ҳусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай устувор мақсадларга эришиш учун фуқаролар ййғинлари мутасаддилари чуқур билан, бой ҳаётини тажриба, бошқариш ва мақбул қарорлар қабул қилиш лаяқатини ўзида мужассам этган бўлишлари лозим. Шу нуктага назардан олганда, «Фуқаролар ййғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар фуқаролик жамяти институтларини ривожлантиришга қаратилган илохотларнинг манткий давони саналади. Янги тахрирдаги қонун фуқаролар ййғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини уларга қўйилган янги талаблардан келиб чиқиб, янада тақомиллантириш ва энг муносиб номзодларни таллаб олишга хизмат қилади.

Сайлов қонун талабларига мос равишда, очик-ошқора ва адолатли ўтказилишини таъминлашга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Фуқаролар ййғинлари идоралари ва маҳалла гузарларига аҳолини сайловларда фаол иштирок этишга қаровчи тарбиот воситалари қўйилди. Оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда чиқишлар ташкил қилинмоқда. Фуқароларнинг мувожаатларини қабул қилиш, тақлиф ва мулоҳазалари билан яқиндан танишиш мақсадида сайлов штабда доимий навбатчилик ҳамда ишонч телефони хизмати йўлга қўйилган ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бўлажак сайловда туман бўйича 64 нафар фуқаролар ййғини раиси (оксоколи) ва уларнинг 550 нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши кутилмоқда. Албатта, энг муносиб номзодларнинг сайланишига эришиш юртимиз янада оבוד, турмушимиз фаровон бўлишига хизмат қилади.

Фахриддин ПАРПИЕВ,
халқ депутати Олтинқўл туман Кенгаши депутати,
Фуқаролар ййғинлари раислари (оксоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи туман комиссияси раиси

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ

Давоми. Бошланғи 1-бетда

Биз терроризмга қаршимиз. Унинг мудҳиш жиноятларини қаттиқ қоралаймиз.

Ислол динини никоб қилиб, ўзининг фаразли мақсадларига эришишга уринаётган ҳаракат ва кучларга қарши доимо сергак ва хушёр туриш зарурлигини доимо таъкидлаймиз. Шунинг умумийлики, муқаддас ислол динимиз тинчлик ва меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган. Уни пок сақлаш, турли хил фаразли хуруж ва хамлалардан, тухмат ва бўختонлардан ҳимоя қилиш, асл моҳиятини униб-ўсиб келаятган ёш авлодга тўғри тушунириш, ислол маданиятининг эзгу фоаларини кенг тарбиот этиш долзарб вазифаларимиздан бирига айланиб бормоқда.

Қуръони каримнинг Моид сураси 2-оятда: "...Этулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилинган, гуноҳ ва адovat (йўли)да ҳамкорлик қилмаган...", дейилган. Бу ояти қаримдан эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчлик барқарор бўлишининг бош омилли экани маълум бўлади.

Халқ орасида фитна кўзгатиш, тухмат ва ивво тарқатиш йўлидаги уришишлар тинчлик ва хотиржамликни издан чиқарувчи ҳодисалардан ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар ислол динининг моҳиятига муқаддас зид экани Қуръони каримнинг Бақара сураси 191-оятдаги "...Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...", деган кўрсатмада янада ойдинлашади.

Отоҳ ва хушёр бўлиб яшап, тинчликни таъминлаш турли хил кўнгилсизликлар ва хавф хатарларнинг олдини олишнинг зарурий шартидир. Зеро, фоқилилик ва бепарволик турли ноҳушликларга замин яратади.

Тинчлик — улўв неъмат, деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал билан, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилган. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) мархамат қилганлар: "Ҳақиқий мусулмон — бошқа мусулмонларнинг тили ва қўлидан омонда бўлган кишидир".

Дарҳақиқат, мусулмон киши жамят учун фақат яхшиликни раво кўрмоғи, ёмонликлардан тийилмоғи ва бошқаларга азият беришдан ййроқ бўлмоғи зарур. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, сўз, яъни, тилдан етадиган озор қўлдан етадиган зарардан аввал зикр этилаяпти. Чунки қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси — саломатлиги, оиласи,

мулкига зарар етказилади, тил билан эса инсонларни турли бузуғунчи фоаларга тарбиот қилиш, уларни тўғри йўлдан қалғитиш орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин.

Бутунги замоннинг ўзи воқеликка очик кўз билан, теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашнинг хушёр қарашини, жаҳонда ва ён-атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашни талаб этилмоқда. Шу боис юрдошларимиз, айниқса, ёш авлод оғида мураккаб ва таҳликалий дунё ва минтақамизда, хусусан, давлатимизда рўй бераётган турли воқеа-ҳодисалар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида бирёклама ва сохта тасаввур пайдо бўлишига йўл қўймадик масаласи ниҳоятда долзарб саналади.

Шунинг учун халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, уни янада мустахкамлаш, турли воситалар орқали кадрларимиз ва миллий-диний анъаналаримиз, менталитетимизга ёт бўлган тушунча ва ғояларнинг кириб келиши, тарқалишига тўқенилик қилиш барчамизнинг инсоний бурчи-

дир. Шунинг умумийлики, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юрдошларимизнинг ҳаётга оғли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган қучларга қарши изчыл кураш олиб бориш вазифаси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Биринчи навбатда, ёшлар тарбиюсига алоҳида ахамият беришимиз лозим. Чунки кўпичча, ҳаётини тажрибаси ва билими кам, дунё воқеаларидан беҳабар ёки нотўғри, ишончсиз маълумотларга эга, шахсий нуқстан назари ва қарашини шаклланиб улгурмаган

ёшлар ахборот ва мафкуравий курашлар таъсирига тушади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўғил-қиз оғига, аввало, Ватани ва оиласи олдидаги масъулият ҳиссини сингдиришга, уларни инсонпарварлик ва она юрғи садоқат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаршимиз керак.

Шу билан бирга, яна бир муҳим масала — оила мустахкамлигини сақлашдир. Зеро, оила мустахкамлиги замирида Ватан осойишталиги мужассам. Фарзандлари билимли, имонли, меҳрли, оқилли, дунё таниган, юрғида фидойий бўлган оила қасри ҳеч қачон бузилмайди.

Хусусан, жорий "Соғлом она ва бола йили"да миллий қадриятларини, халқимизнинг энг яхши анъана ва урф-одатларини кенг ёйиш, тарбиот ва таъмин этиш долзарб вазифадир.

Хулоса шуки, жамятимизда яшаётган кишиларга динимизни мусоффо ҳолда етказиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни биз учун ёт бўлган ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшларни ўз қатъий қарашлари ва эътиқодига эга, маънавий баркамол этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Усмөнхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий

КИТОБ ДЎКОНЛАРИ КЎПАЙИШИ

МАЪНАВИЯТИМИЗ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда дунё мафкуравий майдонларида ғоявий курашлар кучайиб бормоқда. Шу боис маънавий-маърифий ишларни юқори даражада ташкил этиши, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг барча омилларига эътибор қаратиш давр талабидир.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, фарзандларимизни турли мафкуравий хуружлардан асраб-авайлаш мақсадида кенг қўламли ишлар қилинмоқда, бу борада мустақкам ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан бирга, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назорати тизими шаклланишига эътиборга молик. Хусусан, маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар жойларда ўтказган назорат-таҳлил ишлари давомида бир қатор зарур тақлиф, ташаббусларни илгари суриб, долзарб масалалар ечим топишида амалий натижаларга эришмоқдалар.

Айтиш жоизки, маҳаллий вакиллик органларига Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган депутатлар нафақат партия депутатлик гуруҳларида, балки мазкур Кенгашларнинг доимий комиссиялари таркибига ҳам ўз ташаббускорлиги, профессионал сиёсий маҳоратини намойиш этиб келмоқда. Тошкент вилояти туман, шаҳар марказларида замонавий “Китоб олами” мажмуаларини ташкил этиш бўйича амалга оширилётган ишлар халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг “Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси” томонидан партиядошимиз Зарифа Эралиева бошчилигида атрофлича ўрганилди.

Жорий йилнинг 15 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу долзарб масала юзасидан олиб борилган ўрганишлар натижалари ҳақида доимий комиссия раҳбари Зарифа Эралиеванинг ахбороти тингланди.

Сессияда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 110 дан зиёд замонавий нашриётлар, бир ярим мингдан ортиқ матбаа корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд нашриётларда ҳар йили 2500 номдаги, умумий адади 40 миллион нусхадан кўпроқ китоблар ўқувчилар оmmasига етказиб берилаяпти. Бир қатор етакчи нашриётлар Хитой, Германия, Россия, Эрон ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро китоб ярмаркаларининг совриндорлари бўлишди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг 65-бандида республикамизнинг барча минтақаларида, жумладан, 2016 йил мартда — минтақавий марказларда, 2016-2017 йиллар мобайнида — туман марказларида

“Китоб олами” китоб дўконлари тармоқларини очиб вазифаси белгиланган.

— Мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам ёш ва баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Барча шарафлиқ аёл бўлган замонавий мактаб ва коллежлар, спорт иншоотлари, энг чекка ҳудудларда ҳам қўрарётган мухташам мусика ва санъат мактаблари, аҳоли маданий дам олиш марказлари ишлаб турибди, — дейди З.Эралиева.

— Шу билан бирга, фарзандларимизни маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашда китобнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ўрни бор. Шу боис вилоят, туман ва шаҳарлар марказларида замонавий “Китоб олами” мажмуаларини барпо этиш, уларни мамлакатимиздаги етакчи нашриётларда чоп этилаётган сара асарлар билан бойитиш, мажмуа таркибига интернет-кутубхона тизимини йўлга қўйиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, вилоятда айрим туман ва шаҳар ҳудудларида “Китоб олами” мажмуаси учун бино ёки ер ажратиш ишлари ҳали тўлиқ охирига етказилмаган. Масалан, Оккўрғон туманида “Китоб олами” мажмуаси қурилиши белгиланган муддатдан кечикмоқда. Бўстонлик туманида етарли шарт-шароитларга эга бўлган замонавий китоб дўконлари ташкил этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди.

Жорий йилнинг 15 март ҳолатига вилоятда жами 23 та китоб дўқони мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида канцелярия моллари ва китоб савдоси йўлга қўйилган. Мазкур дўқонлар пештахталарида 20-30 номдаги бир ярим-икки минг донага яқин китоблар борлигини назарда тутсақ, китоб савдосидан тушадиган ўртача маблағ айланмаси нега жуда кам миқдорда эканининг сабаби оидинлашади. Бу борада фаоллик кўрсатаётган китоб дўқонларининг тажрибасини кенг тарғиб қилиш, шу йўналишдаги ёш мухташамларни тарбиялашга эътиборни ошириш зарур.

Депутатларнинг қизғин муҳокама-ларидан сўнг қабул қилинган сессия қарорига мувофиқ шаҳар ва туман ҳокимлигига ҳудудларда замонавий китоб дўқонлари ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан



халқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси”га ёзма ахборот тақдим этиш, ҳудудларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда “Китоб олами” мажмуасини ташкил этиш ва қуриб битказишни белгиланган муддатларда амалга ошириш вазифалари тошширилди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида замонавий кутубхоналар, спорт иншоотлари, маданият ва истироҳат боғлари, аҳоли маданий дам олиш марказлари фаолиятини янада жонлантириш чоралари белгиланди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят ўрта махсус касб-хунарт таълими бошқармасига ўқувчиларни дарсга тўлиқ жалб этиш ва таълим-тарбия самардорлигига эришишда ота-она, таълим муассасаси ҳамда жамоатчилик ҳамкорлигини мустақкам йўлга қўйиш, жойларда кенг қўламли тарғибот ишларини ташкил этиш вазифалари тошширилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, вилоят ёшларини ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ишлар самарасини оширишда сессия қарорларини ижросини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

Доимий комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида сессияда қабул қилинган қарорларнинг ижроси ва амалий натижалар муҳокама қилинди. Хусусан, Зангиота туманида “Китоб олами” мажмуасини барпо этишга доир ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилиб, “Назирхўжа ота” хусусий корхонаси томонидан икки

қаватли замонавий иншоотни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ушбу замонавий китоб дўқони нафақат туман ва вилоят ахлига, балки юртимизга ташириб буюраётган меҳмонларга, сайёҳларга ҳам хайрат кўрсатиши лойиҳада эътиборга олинди.

➤ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

— Шунингдек, бинода китобхонлик кечалари ва таникли шоир-ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этишга мўлжалланган алоҳида зал, “Онлайн китоб дўқони” янги китоблар билан танишиш ҳамда мутолаа учун бўлим ва бошқа қулайликлар яратилиши режалаштирилмоқда, — дейди “Назирхўжа ота” хусусий корхонаси раҳбари Шухрат Муҳаммадхўжаев. — Мен Тошкент шаҳрида жойлашган мухташам “Китоб олами” мажмуасини бир неча бор бориб кўрдим. Оддий бир тадбиркор сифатида юртимиз маънавиятига хизмат қиладиган муҳим ва эзгу ишга қўл ураётганимдан хурсандман. Шу ўринда халқ депутатларини вилоят Кенгаши депутатларининг амалий ёрдами биз каби тадбиркорларга кўчқувват бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

“Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси”нинг мазкур йиғилишида сессия қарорлари ижроси юзасидан мониторинг ишларини олиб бориш, бу борада депутатларнинг фаоллигини янада кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Сарвиноз РЎЗИМУРОВА,
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот котиби

Мамлакатимизда аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда уларнинг ижросини доимий назорат қилиш Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фаоллари, маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг эътиборидаги масалалар сирасига қиради.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Маълумки, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этиш, мавжуд муаммоларга ечим топиш, фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш депутатлик гуруҳларининг устувор вазифаси саналади. Айниқса, кенг жамоатчилик билан ишлаш борасидаги илғор тажрибаларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш депутатлик гуруҳларининг алоҳида таъминлашда ошқораликка эришиш муҳим ўрин тутди. Бу борада халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мазкур депутатлик гуруҳи саккиз кишидан иборат. Улар турли касб эгалари бўлсалар-да, партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, электоратнинг талаб ва тақлифларини амалга ошириш мақсадида бирлашганлар. Улар орасида шифокор Ориф Зияев, педагог Комил Бозоров, маҳалла маслаҳатчиси Офтоб Ниснонова каби билимдон ва фидойи садошларимиз бор. Депутатлик гуруҳига таълим соҳасида фаолият юритиб келаётган Дилбар Ҳасимова етакчилик қилмоқда.

Депутат у ёки бу масалада билдирган фикрлари, тушуниришлари, ҳар бир амалий иш орқали электорат ишончини оқлашга сазовор бўлади. Шу маънода фуқароларнинг муросалари депутатта бўлган ана шу ишончининг бир инфодаси ҳам саналади.

Шаҳардаги “Кўтарма” маҳалласида Фахриддин Қобилов ўтказган учрашувда сайловчилар ички йўллари таъмирлаш ҳақида фикр билдирилган эди. Депутат Ф.Қобилов “Ўзавтойўл” АК Жиззах вилояти бошқармасига “Кўтарма” маҳалласидаги ички йўллари таъмирлаш масаласида депутатлик сўрови киритди. Шу асосда тез орада кўрилган чора-тадбирлар натижасида масала ўз ечимини топди. Айни пайтда йўллар равон, маҳалла янада обод бўлганидан барча мамнун. Депутатлик гуруҳи аъзоси Ориф Зияевнинг “Марказга таъминот” унитар корхонаси Жиззах шаҳар филиалига юборган депутатлик сўровида “Ҳамзаобод” маҳалласида газ таъминотида доир айрим нуқсонларни бартараф этиш зарурлиги айтилган эди. Ушбу масала “Марказга таъминот” унитар корхонаси Жиззах шаҳар филиали томонидан тез орада ўрганиб чиқилди ва ижобий ҳал қилинди.

Офтоб Ниснонова томонидан халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши раисини раисига “Олмазор” маҳалласида “Рохат” кўчасида жойлашган трансформаторни қатта қувватлига алмаштириш юзасидан депутатлик сўрови киритилди. Натижада ушбу масала манзилли дастурга киритилиб, бу вазифани маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш режалаштирилишига эришилди.

— Фаолиятимизга танқидий ёндашувлар билан қарашимиз лозим, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Дилбар Ҳасимова. — Депутатлик гуруҳининг бу йил март ойида ўтказилган йиғилишида ана шундай ёндашув етакчилиги қилди. Унда депутатлик гуруҳи фаолиятида йўл қўйлаётган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар атрофлича таҳлил этилди, депутатлар ўз ваколатларига муносиб тарзда ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиши зарурлиги таъкидланди.

Депутатларнинг талдаги вазифалари белгилаб олинди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
“Adolat” мухбири

ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Афсуски, бугунги кунда тупрок қатлами емирилмоқда, яхши унумдор ерлар камайиб бормоқда, тобора жадаллик билан таназзулга юз тутмоқда. Ер ресурслардан ҳар томонлама оқилона фойдаланмай, тупрок қатламини турли емирлиш-эрозияланиш ва бошқа салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш чораларини кучайтирмай, қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган, мақсадли ерларни тежаб-тергаб ишлатиш йўллари қилмай туриб, юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишнинг имкони мавжуд эмас.

Тупроқнинг унумдорлигини ошириш қўп жиҳатдан унга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, уни яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуасига боғлиқ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, асосан, суғориладиган майдонлар 4,28 миллион гектарга тенг. Бу ерлар ҳақиқатдан ҳам республикамизнинг “Олтин фонди”ни ташкил этади ва уларда яхши қишлоқ хўжалик махсулотларининг 95 фоизидан ошқорни етиштирилмоқда.

Ўзбекистонда суғориладиган

ерларнинг 2,5 миллион гектарга яқини турли даражада шўрланган, бунга тупрок хоссаларини ва грунт сувлар чўққурлигини ҳисобга олмасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, ортиқча суғориш, коллектор-зоғурлар тизими ёмон ишлатиш сабаб бўлган. Грунт сувлари кўтарилиши сабабли баъзи ерлар ботқоқланиб кетган. Гумус тупрок унумдорлигини белгилوоч муҳим омилдир, лекин кейинги йилларда тупрокда дегумификация жараёни туфайли, Ўзбекистоннинг пахтачилик туманлари тупроқларида 40-50 фоизгача гумус камайган, натижада тупрокнинг биологик фаолияти ёмонлашган. Шуларни эътиборга олган ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчиллик билан жадаллаштириш, ер фондидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ҳар гектарнинг унумдорлигини, унинг иқтисодий самардорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимини ишлаб чиқиш воят муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тупрок унумдорлигини сақлаш, йил сайини мунтазам ошириб бориш қишлоқ хўжалик мухташамлари зиммасидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ

хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупрок унумдорлигини тиклаш ва мелiorатив тизимлар қуриш, улардан фойдаланишга боғлиқ табирилар ўтказишга давлат томонидан катта маблағлар ажратилаётганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси ис-тиқлолга эришиши, мустақил суверен давлат деб эълон қилиниши ва ҳуқуқий жамяят қуриши, ўз ҳудудида ер муносабатларини тартибга солишда ва ривожлантиришда, ҳамма соҳаларда мустақилликка эришганлиги унинг қонунларини янгилан ва такомиллаштиришга имкон берди. Мамлакатимиз аграр соҳада ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар ва уларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Жумладан, ер муносабатларини ҳуқуқий асосда ривожлантириш ва тартибга солиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ер кадастри тўғрисидаги қонунлар ва бошқа қонунлар Олий Мажлис томонидан қабул қилинди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-модда-

сида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунеси ҳамда бошқа табиий зағирлар умумий қишлоқ хўжалик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида экани белгиланган.


Қонун ҳужжатларида ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жамоат назорати мавжудлиги этироф этилган бўлиб, Ер кодексининг 84-модда-сида, Ер ҳудудида ер муносабатларини амалга оширишда жамоат ташкилотлари давлат органларига қўмақлаштириш белгилаб қўйилган, ушбу норма 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган “Экологик назорат тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан мустаҳкамланди. Яъни, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Юртбошимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида” ги Фармонида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экан-лари хосилдорлигини ошириш, шунингдек, мелiorация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасидаги вазифалар белгилаб берилди. Ушбу фармонга биноан, Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда “Ўзмельомаш-лизират” давлат компанияси ташкил этилди. Бу мамлакатимизда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар самардорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда.

Президентимиз мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигини ислох этишда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида

эътибор берилганлиги, бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири бўлиб келгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши тўғрисида сўз юритиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самардорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнатқиллари, балки бутун Ўзбекистонимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебахо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир, деб таъкидлади.



Утган даврда бу борада қўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 миң гектар суғориладиган ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланишига, бу

жами эканлигида майдонларнинг ярмидан зиёди эканлиги, олиб борилаётган ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 миң гектарга ёки учдан бирига камайганлиги, қучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 миң гектарга ёки 12 фоизга қисқарганлиги, мелiorация тадбирлари амалга оширилган экан майдонларида пахта хосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинларининг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш борада эришилган энг муҳим натижа эканлиги ва аграрни бу эҳсонга эришилган энг муҳим натижа эканлиги ва аграрни бу рақамларни гектарларга кўпайтирилган бўлса, амалга оширилган ишларимизнинг самараси янада яққолроқ намойиш бўлиши тўғрисида фикрларини баён қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, халқимизнинг фаровон ҳаёти, ризқ-рўзи манбаи ва мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг таянчи бўлган она еримизни асраб-авайлаш, ер ресурслардан оқилона фойдаланиш, уни турли хил салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш шу юрда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Алишер МАҲМАТМУРОВОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТНИНГ ТАЯНЧ БЎФИНИ

Асака туманида яна иккитага кўпайди

БПТ ФАОЛИЯТИ

Асака тумани ободонлаштириш бошқармаси қарашли "Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўлими"да ишлаётган 50 нафар ходимнинг барчаси Ўзбекистон "Адолат" СДПга аъзо бўлишди...

Жамоа бўлиб "Адолат" партияси сафига кириш туманида ягона ҳол эмас. Бундан бир ой аввал "Қадрият" маҳалласида ҳам шундай бўлган эди...

гуллаб-яшнади. Замоनावий лойиҳалар асосида барпо этилган янги массивлардаги кўлаб намунали уйлар эл ободлиги ва фаровонлигининг кўзгусига айланди...



Ўзида бирлаштирган. Бу қуйи бўғинлар ҳудудий ташкилотнинг мустақкам таянчига айланит бормоқда...

бошқармаси "Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўлими" бошлиғи, "Адолат" СДП аъзоси Равшанбек Саримсоков...

диларни тўхтовсиз ташиб, ҳудудлар озодалити ва тозалитини таъминламоқда. Эндиликда ўз хизматларимиз билан туманимизнинг чекка қишлоқларига ҳам кириб боришни кўзлаётимиз...

Маълумки, Асака — Андижон вилоятидаги жадал тараққий этиб бораётган салохият юксак, истиқболли порлоқ туманлардан бири...

Ўзбекистон — бахтиёр мамлакат. Биз эса шу бахтиёр юртнинг бахтли фарзандларимиз, — дейди Асака тумани партия кенгаши раиси Мехринос Каримова...

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш лозимки, Асака тумани ҳокимлигининг амалий ёрдами билан маъхаллиши юзага келтирди...

Жамоамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жаҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 315-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган...

Рустамжон АХМАДАЛИЕВ, "Adolat" мухбири

БИРГАЛИКДА ЮКСАК ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

"Урганчтрансгаз" шўъба корхонасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан "Юксак ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамиятининг асоси" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Фуқаролик жамиятининг асоси

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси маъсул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Урганч давлат уни-верситети ўқитувчилари, маъмур корхона ходимлари, партия фаоллари иштирок этишди.



Урганч давлат университети тарих факультетининг "Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси" кафедраси ўқитувчиси Санжар Саидов "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"да сиёсий партияларга ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бир-лаштирувчи сиёсий ташкилотлар деган таъриф берилганлиги...

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

ЎТ ҒОЯЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА КАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС

ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ахборот технологиялари тараққий этган бугунги даврда, хусусан, интернет орқали турли ахборотлар жаҳоннинг исталган нуқтасига бир зумда тарқатилиши оддий ҳол бўлиб қолди.

Шу билан бирга, бундай имкониятлар, дунё бўйлаб мафкуравий курашлар кенг тус олганлиги интернет манбаларидан фойдаланишда, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланиши тақозо этмоқда.

Шу боис фарзандларимизни қатъиятли, ўз мустақил фикрига эга инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг оинг-шуурини маънавий бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш долзарб масалалар сирасига қиради.

Албатта, интернет имкониятларидан мисллий манфаатларимизга мос тарзда, жамият тараққиёти нуқтан назаридан мақсадли фойдаланиш айни муддаодир. Ёшларнинг пухта билим эгаллашга, бой маънавий меросимизни ўрганишга, бунёдкорлик, яратувчиликка иштиёқини кучайтиришга хизмат қилувчи ижтимоий тармоқларни ривожлантириш мухим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, интернетда мамлакатимиз хаёти билан боғлиқ маълумотларни қўпайтиришга эҳтиёж ортмоқда. Ховос туманидаги "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида ташкил этилган "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз" мавзусидаги давра суҳбатиде ана шулар хақида сўз юритилди.

Тадбирда Ховос шаҳарчасидаги маҳалла етакчилари, ички ишлар ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, Ховос шаҳарчаси масжиди имом-хатиби, туман партия ташкилоти фаоллари, "Аёллар" ва "Ёш адолатчилар" каноти аъзолари, БПТ раислари иштирок этишди.

Ташкилланганидек, интернетнинг пайдо бўлиши исталган ахборотни замон ва маконга боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлга киритиш имкониятини юзага келтирди. Маълумки, хозирги кунда аксарият ёшлар интернетдан фойдаланишда.

Интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумотга эга бўлиш, етказини ҳамда қайта ишлашда жуда қулай манба эканлиги барчага аён, — деди Ховос шаҳарча маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шербўта Пиримкулов. — Кундан-кунга фойдаланувчилар сони ортиб бораётган маъмур тармок дунё бўйлаб ахборотга бўлган эҳтиёжга мос равишда ривожланмоқда. Бироқ, инсон тарбияси, маънавий ахлоқига путур етказадиган, айниқса, унинг онгини турли ёт ғоялар билан зарарлашга қаратилган ахборотлар хуружга ҳам тобора кучаймоқда. Фарзандларимизни замонлар синовидан ўтган кадрларимиз, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган юксак маънавий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда хаётий ўрин тутади.

Иштирокчилар тарбияот тадбирларини самарали ташкил этишда ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар хусусида ҳам фикр алмашдилар.

БИЗ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИМИЗ

Наманган давлат университетида Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши томонидан "Биз вайронкор ғояларга қаршимиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, "Ёш адолатчилар" каноти аъзолари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар қатнашдилар.

ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Тадбир иштирокчилари ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган шароитда аҳолининг ахборот олиш имкониятлари тобора кенгайиб бораётганлиги, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб тус олаётганлиги хақида фикр юритдилар. Зотан, партияимизнинг Сайлов-олди дастурида ҳам дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёлдан чиқармаслигимиз кераклиги баён этилган.

— Кейинги пайтда биз Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вакиллари билан биргалликда кўлаб тадбирлар ўтказмоқдамиз, — дейди Наманган давлат университети маънавият-маърифат ва иктидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Иброҳим Отамираев. — Ушбу давра суҳбатидеги фикр алмашуларда орқали ёшларнинг мавзуга доир билим ва тушуночалари кенгайди, улар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Бундай тадбирлар пировард натижада ёшларни турли бузғунчи ғоялардан, дунёдаги экстремистик гуруҳларнинг адовларидан огоҳ бўлишга, юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикнинг қадрига етишга даъват этади.

Иштирокчилар мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларга оид сиёсатни рўйбга чиқариш мақсадида олиб борилаётган ишлар хақида ҳам маълумотларга эга бўлишди.

ОҒОҲЛИК

"Ромитан" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган "Тинчлик ва барқарорлик учун барчамиз масъул-миз" мавзусидаги тадбир ёшларни соғлом эътиқод ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Бухоро-ТВ" телерадиоқанали ҳамкорлигида ўтказилган маъмур тадбирда бир қатор ташкилотлар вакиллари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий харакати туман бўлими, ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари ва ёшлар иштирок этишди.

Йиғилишда Ромитан туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Робия Сафарова, "Қамолот" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Ҳамдамова, туман партия кенгаши раиси Раҳматжон Тўлаевлар мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Огоҳлик хавф-хатардан асрайди, фалокатларнинг олдини олади. Айниқса, тинчлигимизга нималар таҳдид солаётгани, дунё-



ОСУДА ҲАЁТ ҚАДРИ

нинг манфаатлар тўқнашган ҳудудларида қандай сиёсий ўйинлар кетаётгани аниқла олиниша, бу таҳдидларнинг сабаби оидинлашади. Бу хаёт ҳақиқатини Президентимиз такрор ва такрор таъкидлаб келади, тинчликдек бебаҳо неъматини асрашга халқимизни даъват этади, тинчлик учун, албатта, огоҳлик зарурлиги, курашиш кераклигини доимо уқтиради.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Тинчликни ҳеч ким яратиб бермайди. Унинг учун курашиш, уни асраш, қадрига етиш керак. Чунки инсон хотиржам ва оқойишта бўлсагина, мақсади сари дадил интилади, ўзини чинакамгина бахтли ҳис қилади.

Тадбирда "XXI аср фитнеси" номли фильм намойиш этилди. Дин никоби остида фаолият кўрсатаётган диний экстремистик руҳдаги террорчи ташкилотлар, уларнинг сохта ғояларига учиб,

адлов тузоғига илиниб қолаётган айрим кимсаларнинг қилмишлари таъсирланган фильм барчани хушёрликка чорлади.

Тинчлик бор жойда ривожланиш бўлади. Тинчлик бор жойда эртанги кунга ишонч бўлади. Ёшларнинг орзу-интилишлари, истеъодлари юзага чиқади.

Тадбир доирасида "Осуда хаёт қадри" номли расмлар кўрғазмаси ташкил этилди. Ғоявий таҳдидлар, диний экстремизмнинг олдини олиш, ёшлар маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш хусусида кенг маълумотлар берувчи маърифий адабиётлар тақдимот-кўрғазмаси ҳам йиғилганлар диққатини жалб этди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилмоқда.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА, Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Adolat" мухбири

Бахтиёр НУРМАТОВ, Ховос туман кенгаши масъул ходими

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ОЛИМЛАР

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

ИННОВАЦИОН ТИББИЁТ

Мутахассислар таъкидлашчи, ҳаракатларимиз, аъзолар фаолияти, моддалар алмашинуви, фикрлашимиз, сезгиларимиз, ҳиссиётларимиз, хоҳиш-иродамиз — барчаси бош мия фаолиятига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, асаб тизими инсон танасидаги барча органларни мувофиқлаштирувчи тизим бўлиб, бутун дунё олимлари ханузгача унинг таркибий қисмлари ва ўзига хос хусусиятлари бўйича бир тўхтаб қилишга олмаган. Айни пайтда асаб тизими касалликларини аниқлаш ва даволашнинг янги дунё кенг жорий қилинаётгани ҳам айни ҳақиқат.



Шу ўринда мамлакатимизда инсоннинг марказий ва периферик асаб тизими касалликлари бўйича тўғри ташхис қўйиш ва даволашда ўзига хос "махорат мактаби"ни яратган муассасалардан бири — Республика неврохирургия илмий маркази фаолияти хусусида тўхталиб ўтаск.

Кейинги йилларда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланган марказнинг малакали мутахассислари томонидан неврохирургиядаги энг оғир масалалардан бири — бош ва орқа мия патологиясини жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги услублари ўзлаштирилди, травмамик бош мия гематомалари, калла сунглининг боғиби синишлари, бош миянинг паразитар касалликлари, юзани ҳамда чуқур жойлашган бош мия ўсмалини олиб ташлаш, шунингдек, умурткаларига махсус кейжлар ўрнаштириш, умуртка синишларида транспедикуляр фиксация йўли билан маҳкамлаш операциялари ҳам қўндалик амалиётга айланган улуғвир. Хусусан, кейинги 10 йил ичида Ўзбекистон неврохирурглари томонидан 50 га яқин оригинал даволаш усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган.

Бош мия саратон ўсмалини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш операциясида қўлланилаётган ретрактор мосламаси ҳам ана шундай изланишларнинг натижасидир.

Нейрохирургик ретрактор мосламаси ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиб келинаётган ускуна ҳисобланиб, аввало, бош мия чуқур ўсмалини олиб ташлаш операциясида инсон омили камайишига хизмат қилади, — дейди марказнинг катта илмий ходими, бош мия асоси бўлими шефкори, тиббиёт фанлари номзоди Улуғбек Асадуллаев.



— Яъни, бош мия ўсмалини олиб ташлаш жараёнида нейрохирург беморнинг чановидаги бошқа қисмларга зийн етказмаслиги мўҳим аҳамиятга эга. Ретракторнинг функционал вази-фаси шундан иборатки, у бош мия чановини нейрохирург учун куяй баландлик ёки текисликда, бир сўз билан айтганда, бир маромда ушлаб туради. Авваллари операция вақтида бош мия

чановини жарроҳ ёрдамчиси икки қўли ёрдамида ушлаб туради. Операция узок вақтга қўзилганда истаисизми-йўқми, инсон қўли чанокни бир маромда ушлаб тура олмайди. Оз бўлса-да, жарроҳ ёрдамчисининг кимирлагани оқибатида миянинг ҳаёт учун зарур бўлган марказлари жароҳатланиши беморда амалиётдан кейинги ҳолат хар хил асоратлар билан кечишига сабаб бўлади. Шу боис бир гуруҳ неврохирургларимиз "Magnus Medikal Servis" МЧЖ технологиялари билан ҳамкорликда неврохирургик ретракторни ўзинида ишлаб чиқаришга муваф-фак бўлдик. Яна бир мўҳим жиҳати, бу мосламанинг нархи жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида 7-10 минг АКШ долларини ташкил қилса, ўзинида ишлаб чиқаришга қанда унинг танларига 200-300 АКШ долларига тўғри келапти. Асосийси, бир неча йил ичида биз ретрактор ёрдамида қўндалик операцияларни

ўтказдик. Яқин қунларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтдиган Инновацион фойлар, технологиялар ва йўналишлар республика ирмар-кисада шу ва шу каби инновация мосламаларни кенг жамоатчи-лик этиборига ҳавола этиш ни-ятимиз. Кези келганда таъкидлаш лозим, бир гуруҳ ўзбекистонлик неврохирурглар АКШ, Герма-ния, Австрия, Швейцария, Япо-

ния, Малайзия ва бошқа хори-жий давлатларда ўтказилган халқаро конференцияларда ней-рохирургиянинг долзарб масала-ларига бағишланган маърузала-ри билан муваффақиятли ишти-рок этиб келишмоқда. Бундан ташқари, ёш ва иқтидорли соҳа мутахассислари ривожланган мамлакатларнинг нуфузли тиб-бий муассасаларида билим ва ма-лакларини оширишга муваффақ бўлмоқда. Сухбатдошимиз — Ўзбекистон, Осиё ҳамда Бутун-жаҳон неврохирурглари уюшма-си аъзоси Улуғбек Асадуллаев ҳам ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлган мутахассис-лардан бири.

— 2013 йилда биз, 2 нафар мутахассис АКШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Пресбетери-ан шифохонасида машҳур ней-рохирург Теодор Шварцнинг қўл остида билим ва малақамизни оширдик, — дея давом этади су-хбатдошимиз. — Малакавий им-тиҳонларни муваффақиятли топ-ширгач, махсус сертификатга эга бўлдик. Бугунги кунда "Бошлар-

Чиндан ҳам, кўпчилигимиз қайта-қайта таъкидлашга одатланганимиздек, касалликни даволагандан кўра, олдини олган афзал. Замонавий юкори технологиялар ривожланаётган бугунги кунда эса касалликни эрта аниқлаш ҳам мўҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби хайрли ва мўҳим вазифаларни амалга оширишда, илмий-амалий натижаларни қўлга киритишда эса Улуғбек Асадуллаев сингари ўзбекистонлик олимларнинг ҳам ҳиссаси борлиги бизни қувонтиради.

**Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири**

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

Депутатнинг фаолияти сиёсий куч мавқеини мустаҳкамлашда ҳам мўҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳам бўлиб ўтган сайловларда муносиб номзодларни танлашга алоҳида эътибор қаратганини натижасида шаҳар ва туман маҳаллий Кенгашлирига "Адолат"СДПдан сайланган депутатлар бугунги кунда ўз сайловчилари ишончини қозонган ҳолда партиямиз нуфузини оширишга ҳисса қўшмоқда-лар.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ЙЎЛИДА

Халқ депутатлари Кумқўрғон туман Кенгаши депутати Сайфиддин Хўжагелдиев ана шундай фаол депутатларимиздан бири. Барча ишда адолат барқарор бўлишини истаган Сайфиддин ака хар доим эл хизматига қамарбаста. — "Хўжамулки" маҳалласи туман марказидан 35 километр оғисда жойлашгани боис ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Ана шулардан бири — аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш эди. Мутасасди ташкилот раҳбарларига депутатлик сўрови киритиш орқали кам таъминланган оилалар жами 100 донга газ баллон билан таъминла-нишига эришдик. Шунингдек, сел келиш хавфи юкори бўлган маҳалладан ўтувчи канални кенгайтирдик, — дейди Сайфиддин Хўжагелдиев.

Бундан ташқари, "Лалмикор-Кушчекка-Хўжамулки" автома-виля йўлининг 3-6 километрлари хар йили сел келиши сабабли ювлиб, йўл торайиб қолиши туфайли транспорт катнови қийинлашар эди. Ушбу муаммога деб-фарқ қараб ту-ролмаган депутат амалий ёрдам беришни сўраб, Кумқўрғон туман йўл хўжалиги корхонасида депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Депутат сўровида келтирилган масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида корхона томонидан ташкилий ишларга киришилди. Бир неча йилдан буён аҳолини қийнаб келаётган муаммо яқин орада ижобий ечим топишига имкон яратилмоқда.

— Фуқароларнинг маҳалла ҳаёти, ёш авлод манфаатлари билан боғлиқ масалаларда мурожаат қилаётганлиги, уларнинг икжимоий фаолияти янада ортаётганини ифода қилади. Кумқўрғон туманидаги "Хўжамулки" ва "Чаётепа" маҳал-лаларида жойлашган 6-, 65-умумтаълим мактаблари ҳамда қўшни Сарносиё туманининг "Тоғшўш" ҳамда "Бештом" ма-ҳалаларидаги 65-, 59-умумтаълим мактаблари масофа жи-ҳатдан бир-бирига яқин жойлашган. Бирок ушбу мактаблар-га энг яқин касб-хунар коллежи 40-45 километр узоқда. Бу мактаб битирувчиларини ҳам, ота-оналарни ҳам қийнамоқда. Шу боис улар ариза билан мурожаат қилишди. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови киритиб, ёшлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда яқин жойда касб-хунар колле-жи ёки коллеж филиали барпо этиш ҳақида тақлиф бил-дирдим, — дейди С.Хўжагелдиев.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Кумқўрғон туман Кенгашидаги партиа депутатлик гуруҳи раҳбари, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳаёқсийлигини таъ-минлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Сайфид-дин Хўжагелдиев зиммасидаги вазифаларни адо этиш йўли-да изланмоқда. Унинг бу саъй-харакатлари эса туманда фу-қароларнинг партиямизга бўлган ишончини оширишга хиз-мат қилмоқда.

**Мақсуд ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилоят кенгаши мақбуот котиби**

АДОЛАТПАРВАРЛИК ҒОЯСИ БАРЧА ДАВРЛАР УЧУН ЭНГ МЎХИМ МЕЗОН

«АДОЛАТ»: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг республикамизда ўз ўрни, мавқеига эга бўлиб, халқимиз орасида нуфузи ортиб боришида унинг ҳудудий ва бошланғич партиа ташкилотлари етакчилари, фаоллари, аъзолари ҳам мўҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг изчил фаолияти натижасида партиа сафи кенгайиб, БПТлар сони кўпаймоқда. Жойларда партиа Дастурлари асосида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Газеткорларни партиа фаоллари фао-лияти, жойларда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан таништириш мақсадида янги — **"Адолат": кеча, бугун, эртага** руқнини ташкил этдик. Ушбу руқн остида партияннинг ҳудудий ташкилотлари етак-чилари, фаоллари билан суҳбатлар бериб боришни ни-ят қилдик. Илк суҳбатдошимиз Фарғона шаҳар партиа кенгаши раиси Шаҳноза Аҳмедова бўлди.

— "Адолат" социал-демократик партиясининг бугунги кундаги тараққиёт омили нисаларда намойён бўлмоқда? Унинг ташкил этилиши давридаги нисбатан ўсиши, юксалиши даражалари нисаларда кўзга ташланадими?

— Бу йил партиямиз ташкил этил-ганига 21 йил бўлди. Албатта, бу пар-тиянинг ўсиши намойён қилиниш учун, мамлакатимиз ҳаётида ўз ўрнини топи-ши учун оз мuddат эмас. Шу давр ичи-да партиямиз фаолияти, мақсад-вази-фалари, амалга оширган ишлари бил-лан нафакат халқимизга танилди, бал-ки аҳолининг, турли соҳа вакилларин-нинг ҳурмат-эътиборига ҳам сазовор бўлди. Шунингдек, бу даврда партиа аъзолари сони бир неча бараварга ошди, у гоивий жиҳатдан етакчи кучга айлан-ди, ташкилий қурилиш мустаҳкамлан-ди. Халқ депутатлари маҳаллий Кен-гашиларда партиа депутатлик гуруҳла-ри кўпайди. Булар, табиқийки, оsonлик билан амалга ошадиган ишлар эмас.

— Партияннинг ҳудудий ва қуий ташкилотлари фаолияти қандай кечмоқда? БПТлар фаолиятини оширишда яна қандай ишлар қилини зарур?

— Фарғона шаҳар партиа кенга-шида иш бошлаганимизда бу ерда партиямизнинг битта бошланғич таш-килоти бўлиб, бу ташкилот аъзолари "Фарғона дон махсулоти" ишлаб чиқариш корхонасининг 160 нафар ишчисидан иборат эди. Бугунги кун-га келиб эса кенгаш таркибида 1070 дан ошди партиа аъзоларини бираш-тирган 29 та бошланғич партиа таш-килоти фаолият олиб бормоқда. Фар-ғона шаҳар партиа кенгашининг ўтган йиллар давомида бундай даражага эришиши осон кечмади. Бунда партиа етакчилари, фаоллари, аъзоларининг хизматлари катта бўлди. Бу борада ишимизни аҳоли ва ташкилотлар ичи-га "юрин"дан, яъни одамларнинг, оилаларнинг муаммоларини ечишга кўмаклашиш, қорхоналар ишчилари-ни маънавий қўллаб-қувватлаш, ша-ҳар ижтимоий ҳаётини яхшилашга ёрдам бериш, ёшларнинг амалий фао-лиятига кўмаклашишдан бошладик.

Кейинги икки-уч йил ичида партиа фаолларимиз, депутатларимиз билан биргаликда юзлаб ҳамшахарларимиз-ни иш билан таъминлашга кўмаклаш-дик. Кам таъминланган оилалар фар-зандларининг шартнома асосида



ўқиши, хорижий тилларни ўрганishi учун амалий ёрдамлар кўрсатилди. Маҳаллаларда ташкил этилган фоль-клор ансамблларининг оёқга туриб олишлари учун моддий ёрдам бери-лишига эришдик. Фарғона шаҳрида, Фарғона политехника институтида, харбий-техника йўналишида акаде-мик лицейда, вилоят ички ишлар бош-қармасида, маҳаллаларда "Қўқрак са-ратони касаллигининг олдини олиш" бўйича бенулат тиббий кўриклар, давра суҳбатлари, соғломлаштириш мусоба-қалари ташкил этдик. Хар йили ба-ҳорда "Оила халқаро куни" муноса-бати билан "Оилада соғлом турмуш тарини яратиш — комил инсонни шакллантиришнинг мўҳим омили" мавзусида марофонлар ўтказдик. Партиямизни хозиргидан ҳам кўра катта кучга айлантириш учун вилоят, туман, шаҳар ва айниқса, бошланғич партиа ташкилотлари фаолиятини куч-чайтириш зарур. Бунинг учун, авва-ло, тартибот-ташвиқот ишларига ало-ҳида эътибор бериш керак. Шунинг-дек, БПТлар раҳбарларининг малака-сини ошириш, улар тажрибали, бош-қаларни орқасидан эргаштира олади-ган, партиа сафига янги аъзоларни жалб қиладиган лаёқатли етакчилар бўлиши айни мuddадир.

— Маълумки, Олий Мажлис

Конунчилик палатасидаги "Демокра-тик кучлар блоқи"га нисбатан "Адолат" СДП фракцияси ўзини муҳолиф деб эълон қилди. Сизингча, бу муҳолифлик нисаларда намойён бўлмоқда ва у мамлакатимиз тарақ-қиетида қандай роль ўйнайди?

— Бугунги кунда республикамизда фаолият юротаётган сиёсий партиа-ларнинг маркази битта — бу ҳам бўлса мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимо-ий-сиёсий, маданий-маърифий тарақ-қиётига, давлатимизнинг демократик тамойиллар асосида ривожланишига, халқимизнинг бахтли келажакини яра-тишга ҳисса қўшишдан иборат. Албат-та, бу улду мақсадга етишиш учун хил-мил йўллар танланган. Олий Маж-лиснинг Конунчилик палатасидаги пар-тиямиз фракциясининг "Демократик кучлар блоқи"га нисбатан муҳолиф-лиги асосида ана шу умум мақсадга етишиш йўлидаги фикрлар, фойлар, нуқтан назарлар, маслалар хил-мил-лиги ва рақобати мавжуд.

Келинг, бу борада фикримизга би-роз ойдинлик киритайлик. Айтайлик, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорликни, кичик биз-нес субъектларини, фермер хўжалик-ларини ривожлантириш жараёнига бар-ча партиалар фаолиятларига эътибор қаратилган. Лекин давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини ривожлантири-шининг амалий механизмининг яратишда партиямиз фракциясининг қаршилари "Демократик кучлар блоқи" вакил-ларининг қарашларидан фарқ қилади. Бу фарқ иш бериувчилар ва ходимлар ўр-тасида ижтимоий шерикчиликни муста-ҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхоналарда ишчиларнинг мех-нат шартларини яхшилаш, бизнес ту-зимчаларининг икжимоий масъулияти-ни янада ошириш ва йўналишда конунчилик базасини такомиллашти-риш каби йўналишларда намойён бў-лади. Ёки партиямизнинг интеллектуал мулк объектларини химоя қилишни таъминлаш соҳасида давлат назорати-ни кучайтириш, қорхоналарга уларнинг социал ва икжимоий жиҳатдан фойда-ли эканлигидан келиб чиқиб, солиқ

имтиёзларини бериш борасидаги амалий тақлифлари бошқа партиаларнинг тақлифларидан фарқланади. Бундай хил-мил қарашлар соғлом рақобат, албатта, икжимоий-иқтисодий тараққи-ёт учун хизмат қилади.

— "Адолат" СДП Ўзбекистон ке-лажати инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Илмий-маърифий соҳа-ларни юксалтиришда, тадбиркорликни кучайтириш ва илгор технологиялар-ни ҳаётга татбиқ қилишда, ишлаб чиқаришни инновацион технологиялар билан қуроллантиришда партиа қан-дай роль ўйнамоқда?

— Партиямиз Ўзбекистоннинг ке-лажати инновацион иқтисодиётда, де-ган нуқтан назарга амал қилиб фаоли-ят юритмоқда. Бунда бир неча йўна-лиш — яъни, давлат бюджетига, қорхо-на ва ташкилотларнинг молжавий қўйилмалари, хомийлик ва хайрия маб-лағлари ҳисобидан инновация жа-мармасини тузиш, инновация ва инно-вацион инфратузилмаларнинг ягона ва-колатли органини тасвис этиш, иксти-содиёт соҳасида хусусий бизнес ишти-рокида унча катта бўлмаган ва қисқа мuddатда ўзини оқлайдиган инноваци-он лойиҳаларни жорий этиш қабилар асос қилиб олинган. Ана шулар асоси-да партиямиз томонидан республика миқёсида "Инновацион фаолият — та-раққиёт гарови", "Талабанинг кичик инновацион қорхонаси" каби кўрик-танловлар эълон қилинди. Бу кўрик-танловларда ёшларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, Тошкент ах-

борот технологиялари университетининг Фарғона филиали ихтирочи та-лабаларининг, "Ёш адолатчилар" кано-ти вакилларининг амалга ошираётган ишлари алоҳида эътиборга молик.

— Келгусида мамлакатимиз тараққиетида партиа фаолиятидаги қайси йўналишлар устувор бўлади, деб ўйлайсиз?

— Партиямизнинг Сайловолди дас-турида "адолатчи"ларнинг мамлақати-миз ҳаёти, тараққиётининг барча жа-баларига фаол иштирок этиш йўл-лари белгилаб берилган. Шу асосда партиа кўплаб йўналишларда фаоли-ят олиб бормоқда. Албатта, респу-бликамиз иқтисодий ва икжимоий ҳаётида аксарият йўналишлар маълум бир мuddат ичида тўла ечимини топа-диган ёки хамият фаолиятида йил-лар ўтгач аҳамиятини йўқотадиган ма-салалар эмас. Бу соҳалардаги муам-молар барча даврларда, хар қандай жамиятда инсонлар диккатини ўзига жалб қилиб туради. Айтайлик, партиа-миз эътибор қаратган ёшлар таъмин-латиш борасидаги масала қайси даврда ўз аҳамиятини йўқотадими? Ёки оналар ва болалар соғлиги муаммоси қайси даврнинг кун тартибидан ту-шиб қолади? Ёхуд партиямиз ўртага ташлаётган экология муаммолари, ат-роф-муҳитни мусаффо сақлаш гоиси қайси жамиятда эътибордан четда қолиши мумкин? Шундай экан, партиямизнинг бу йўналишлардаги фаолияти келгусида ҳам устувор бўлиб қолиши аниқ.

Шу ўринда яна бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Сохиқирон Амир Темур бобомиз бундан салкам 650 йил илгари бутун мамлакатнинг, давлатининг бош гоиси қилиб "Куч — адолатда" деган фикрни ўртага ташлаган эди. Орадан ўтган йиллар бу гоийнинг, бу фикрнинг барча давр-лар, барча мамлакатлар учун бирдай ҳаётбахш кучга эга эканлигини исботлади. Бугунги кунда эса партиямиз Сохиқ-ирон бобомиз фикрига ҳамоҳанг тарзда "Адолат — ҳаёти-мизнинг бош мезони, адолат — хар бир инсон учун" деган гоийни ўз фаолиятининг асосий мақсадига айлантирди. Зеро, адолат сўзи, адолатпарварлик гоиси инсоният ҳаётида барча даврлар учун энг мўҳим мезон вазифасини ўтайди.

Суҳбатдош: Камол МАТЎҚУБОВ,
"Adolat" мухбири

ТАФАККУР МАҲСУЛИ

➤ 26 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КУНИ

Одамзот ер ҳайдаладиган омондан тракторгача тахминан олти минг йилни, трактордан космик кемагача эса атиги 60 йилни босиб ўтган бўлса, XXI асрга келиб фан-техника тараққиёти замон шиддатига монанд янада жадаллашди. Ҳаётимизга қанчадан-қанча сўнгги русумдаги техникалар, ахборот-коммуникация технологиялари кириб келди. Компьютер, қўл телефони, планшет воситалари яқин кўмакчимизга айланиб улгурди. Интернет тармоғи қулайликлари шу қадар кўпки, уларни санаб адоғига етолмаймиз.

Дарқажат, глобаллашув даврида мамлакатларнинг жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни кўп жиҳатдан ақлий салоҳият ютуқларини амалда қўллай билишига боғлиқ бўлиб қолди. Инсон ақл-заковати маҳсули бўлган интеллектuali мулкни тарғиб этиш, унинг инсоният ҳаётида тугган бекиёс ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ҳар йили Ер юзидан аксарият давлатларда 26 апрель санаси Халқаро интеллектuali мулк куни сифатида кенг нишонланади.

Интеллектuali мулк тушунчаси илмий, бадиий асарларни, ЭҶМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаси, ихтиролар, фойдали моделлар, саноят намуналари, селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш тааллуқли бўлган сир-синуотни ҳам англатади. Тараққиётда интеллектuali салоҳият алоҳида ўрин тутгани боис интеллектuali мулкни муҳофаза қилиш ҳам муҳим аҳамиятта моллик масалалардан бири саналади.

Интеллектuali мулк тушунчаси дастлаб 1967 йил 14 июлда «Жаҳон интеллектuali мулк ташкилотини ташкил этиш тўғрисида»ги Стокгольм конвенциясида илгари сурилган ва унинг ҳуқуқий мақоми, шу жумладан, интеллектuali мулк объектилари ҳам аниқ белгилаб олинган. Мазкур ташкилот 1974 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус мақомига эга бўлиб, ҳозирги кунда БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари қаторида фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида 1991 йилда Жаҳон интеллектuali мулк ташкилоти (ЖИМТ) аъзоллигига қабул қилинди. Бир қатор нуфузли халқаро шартномалар ва битимларга қўшилди. Хусусан, 2005 йил 19 апрелдан Алабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн кон-

венцияси қондалари юртимизда амал қила бошлади. Ушбу конвенция фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солиш, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб республикаимиз томонидан интеллектuali мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳуқуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар тузилган.

Интеллектuali мулк муҳофазасининг миллий тизimini янада ривожлантириш мақсадида 2011 йил 24 майда Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, Давлат патент идораси ва Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Интеллектuali мулк агентлиги ташкил этилди. Интеллектuali мулк объектиларини ҳуқуқий муҳофазалаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг олиб кирилиши ва айланishiга чек қўйишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш, интеллектuali мулк соҳасида давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мазкур агентлигининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

«Интеллектuali мулк ҳақидаги қонунчиликнинг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга биоан, Фуқаролик, Жиноят, Солиқ ва Божхона кодексларига, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят намуналари тўғрисида», «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маъ-

лумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микро-схема-лар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Интеллектuali мулк агентлиги томонидан кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2015 йилда интеллектuali мулк объектиларини рўйхатга олиш бўйича 7111 та талабнома қабул қилиниб, улар белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилди. Натижада 2651 та интеллектuali мулк объектилари тегишли давлат реестрларига киритилди ва муҳофаза ҳужжатлари берилди. Агентлик томонидан интеллектuali мулк объектиларига ҳуқуқларни сотиш ва лицензия бериш бўйича 293 та шартнома рўйхатдан ўтказилди.

Интеллектuali мулк агентлиги қатор ваколатли органлар билан ҳамкорликда контрафакт маҳсулотлар юртимиз ҳудудига тарқатилиши, интеллектuali мулк объектиларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан амалга ошираётган ишлар ҳам эътиборга молик. Шу мақсадда ўтган йил мобайнида жойларда 46 марта мониторинг ўтказилиши натижасида жами 737 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шунга мувофиқ, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ идораларига аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ва ЭҶМ учун яратилган дастурларнинг контрафакт нусхалари йўқ қилиниши лозимлиги ҳақида эксперт хулосалари берилиб, амалий натижаларга эришилди.

Республикаимизда интеллектuali мулк муҳофазасига қаратилган чора-тадбирларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, сиесий партиялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Сайловолди дастурида интеллектuali мулк объектилари (муаллифлик ҳуқуқи, тўрлоқ ҳуқуқлари, ихтирога бўлган ҳуқуқ ва бошқалар) ҳуқуқлари бузилишига нисбатан маъсулиятни ошириш, шунингдек, мазкур соҳада назоратни кучайтириш алоҳида қайд этилган ва ушбу йўналишда партияимиз ташаббуси билан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Партияимиз Ўзбекистоннинг келажоги — инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Интеллектuali мулкнинг ҳуқуқий ҳимояси доир қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг

инновацион ривожига ҳамда мамлакатнинг интеллектuali ишлаб чиқаришини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда, жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган «Интеллектuali мулк соҳаси ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масалалари» мавзусидаги конференция ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз, албатта. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Интеллектuali мулк агентлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, ижодий уюшмалар, соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Интеллектuali мулк соҳаси ҳуқуқий асосларининг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу борада бир қатор қонунларда белгиланган нормалардаги мавжуд номунотанликларни қонуний тартибда бартараф қилиш конференция иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Мутахассислар таъкидлаганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шунга кўрсатмоқдаки, бу борадаги қонунчиликни тақомиллаштиришда миллий ва халқаро тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда зарур янги нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга эҳтиёж бор. Хусусан, интеллектuali мулк объектиларига нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жавобгарликни кучайтириш, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги қонун ва ўзгартишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Муҳими, мазкур конференцияда ишлаб чиқилган тегишли тақлиф ва тавсиялар ушбу соҳани замон талабига мос ривожлантиришда ижобий аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, бугунги тараққиёт даврида илм-фаннинг мислсиз ривожланиши шунга мутаносиб равишда интеллектuali мулк муҳофазасини изчил таъминлашни ҳам тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз раванглиги ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Суюндик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Дойқяланиб тинчан сув

➤ ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Абдубакир ота келини сузиб келган ошга қўлини ҳам теккизмади. У туз тотмай, ярим кечагача ўғлини кутиб ўтирди. Ниҳоят, ҳовлининг қоқ ўртасига келиб тўхтаган автомашинадан тушган Тўхтабой уловнинг юкхонасини очиб, зил-замбил картон қутини олди-да, ичкарига қўйиб чиқди. Отаси келганини хотинидан эшитган, шекилли, у гандираклай-гандираклай ёғоч қароват ёнига етиб келди-ю, сўрашиш учун отасига қўл узатди.

— Нопок қўлингизни торт! — жеркиб берди Абдубакир ота. — Ярим туздан ошга қанди каердан келсан?

— Каердан бўларди, — деди мастлик туфайли тили яхши айланмаётган йигит. — Бўзчининг моқисидек у ёқдан бу ёққа катнаб, оилани боқиб учун пул топиб келяман. Нима, тиркичликнинг айби борми?

— Мен севдан ҳозир каердан келсан, деб сўраймак! — жадл билан тақорлади ота. — Бугун ишга чикмаганимни билман.

— Терговчиға ўхшаб сўрок қиласиз-а, дада, — норози бўлди ўғил. — Нима фарқи бор? Буюртма бўйича бир жойга бордим. Пул ишлаб келдим.

— Ота бу гапларни эшитиб, чидаб туролмади. — Демак, айланма йўларда ивирсиб юрганнинг рост экан-да? Сен юзимни ерга қаратдинг. Қарганимда тиркичлай тўрга тикмоқчмисан, ярамас?


— Бойиб кетаётганимни кўролмаётганларнинг гапни гапирманг, — жеркиб берди отасини Тўхтабой.

— Агар ўзингни ўйламансанг, норасида қилларингни. — Фоти-ма-Зухранинг ўйла, — даки берди чол. — Мен ҳам маҳаллада бош кўтариб юролмай қолдим. Номайқул ишларингни бугундан бошлаб йиғиштир. Бўлмас...

Ичкаридан чиқиб келган Ой-сара қайночасининг гапни бўлиб, бобиллаб кетди:

— Э, ота, шу ўғлингизни тинч қўясизми-йўқми? Пул топмася, «топмади», топса, «топди» деб,

уришганингни-уришган. Ойла-ми-зи тинч қўйинг! Сизга ўзингизнинг обрўйингиз керак, бизга эса ўзимизники. Худого шукр, ҳеч кимдан кам эмасиз. Лекин биз бой бўлишни истаймиз. Шу ёмонми?!



Отасининг насихатларига кулоқ осмаган Тўхтабой барибир ўз билганидан қолмади. У эртаси кунни шом пайти келишилган манзилда мижозни кута бошлади. Кеча соч-соқоли ўсиб кетган,

— Жуда яхши, — деди сўраса-да, исмини унга айтмаган кимса. — Кетди! Йўлдан юк ортиниб мардикор оламиз.

Хуллас, Тўхтабой бошқараётган «Жиғули» тиркамали тракторнинг олдига тушиб, манзилга етгунча айланма йўлардан ачча вақт юришига тўғри келди. Ниҳоят, улар чегара сим-тўсикларидан сал бериқоқда тахлаб қўйилган қозоқ қутилар уюмига дуч келишди. Елланган ишчилар машина фаралари ёрувди қутиларни трактор тиркамасига орта бошлади.

— Мента қаранг, — деди шошиб қолган Тўхтабой мижозига юзланиб, — сиз деҳқончилик маҳсулотлари дегандингиз-ку? Бу нимаси, нега мени алддингиз? — Канака ишга бош қўшганингни ҳали тушунмадингми? — ўшқирди мижоз. — Жарақ-жарақ пулини олганингда кейин буюрган ишимни қилсан! Тезроқ ортинишга сен ҳам ёрдан бер. Чегарачилар сезиб қолмиса, қуловингни ушлаб кетсан!..

Тўхтабой кеча тунда отаси айтган гапларни эслади. Эслади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган қуролли аскарларга қўзи тушиб, шарт машинасиға ўтириб, қочинча тушди. Айни дамда қўл телефони тинимсиз жириглай бошлади.

Анча жойгача қочиб борган Тўхтабой, уни ҳеч ким таъкиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилган, телефонни қўлга олди.

— Шўрмиз қуриб қолди, Тўхтабой ака, — деди хотини йини аралаш. — Энди нима қиламиз?

бой сўраган пулининг ярмини ўша захоти қўлига тутқапти, бир қутни музлатилган товуқ оёқларини ҳам тортиқ қилди.

Машинасида хаёб суриб ўтирган Тўхтабой орқа эшигининг очилишидан чўчиб тушди. Машинага сўроқсиз ўтирган кечани кимса уни саволга тутди:

— Транспорт нима бўлди? — Танишимнинг тиркамали «Т-28» русумли тракторини гаплашиб қўйди. Хабар беришим билан айтилган жойга етиб борди. Ўзи ўша томонда яшайди, — жавоб берди Тўхтабой.

— Жуда яхши, — деди сўраса-да, исмини унга айтмаган кимса. — Кетди! Йўлдан юк ортиниб мардикор оламиз.

Хуллас, Тўхтабой бошқараётган «Жиғули» тиркамали тракторнинг олдига тушиб, манзилга етгунча айланма йўлардан ачча вақт юришига тўғри келди. Ниҳоят, улар чегара сим-тўсикларидан сал бериқоқда тахлаб қўйилган қозоқ қутилар уюмига дуч келишди. Елланган ишчилар машина фаралари ёрувди қутиларни трактор тиркамасига орта бошлади.

— Мента қаранг, — деди шошиб қолган Тўхтабой мижозига юзланиб, — сиз деҳқончилик маҳсулотлари дегандингиз-ку? Бу нимаси, нега мени алддингиз? — Канака ишга бош қўшганингни ҳали тушунмадингми? — ўшқирди мижоз. — Жарақ-жарақ пулини олганингда кейин буюрган ишимни қилсан! Тезроқ ортинишга сен ҳам ёрдан бер. Чегарачилар сезиб қолмиса, қуловингни ушлаб кетсан!..

Тўхтабой кеча тунда отаси айтган гапларни эслади. Эслади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган қуролли аскарларга қўзи тушиб, шарт машинасиға ўтириб, қочинча тушди. Айни дамда қўл телефони тинимсиз жириглай бошлади.

Анча жойгача қочиб борган Тўхтабой, уни ҳеч ким таъкиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилган, телефонни қўлга олди.

— Шўрмиз қуриб қолди, Тўхтабой ака, — деди хотини йини аралаш. — Энди нима қиламиз?

— Нима бўлди?.. — Зухра кеча сиз олиб келган товуқдан еб, захарланди. Ахволи оғир. Каердасиз, тез етиб келинг. Биз шифохонада, жонлантириш бўлимида...

Тўхтабой бу хабардан қарахт бўлиб қолган, хатто машинага аяқинлаштирган аскарларга ҳам эътиборсиз, бақрайиб турарди.

— Зухра тирик қолиши керак, — бир неча бор тақорлади у. — Дадамдан ёрдан сўра! Дадам ҳақ экан. Мен ҳозир боролмайман. Фақат боламга бир нима бўлмасин...

— Нега келолмайсиз? Дадам шу ерда, — жавоб берди хотини. — Ахир болангиз...

— Ойсара, мен қўлга тушдим, — деди ўзи билмаган ҳолда Тўхтабой. — Дадам ҳақ экан, Ойсара... ***

Туман ички ишлар бўлимида бошқа жиноий шериклари қатори сўрок қилинган Тўхтабой эрталаб тилхат асосида қўйиб юборилди. У шифохонага етиб келганда, уч яшар Зухра ўзига кела бошлаганди.

Тўхтабой отасининг кўксига бошини қўйиб, йиғлаб юборди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим, — фарзандининг бошини силди ота. — «Сув бир дойкаланиб, кейин тинади», дейишди, ёмон кунлар ўтиб кетгани рост бўлсин!.. ***

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Пискент туман суди Тўхтабой Абдубакиров ва унинг жиноий шериклари устидан адолатли ҳукм чиқарди. Воқеа жойида олиб қўйилган 318 кг, умумий қиймати 15.586.700 (ўн беш миллион беш ўз саксон олти миң етти юз) сўмлик товуқ оёқлари йўқ қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддасига асосан, дадил айтиб сифатида олинб, жиноят қуроли сифатида эътироф этилган «Т-28» русумли трактор ва бир тона тиркама давлат фойдасига мусодара қилинди.

Исмаилюла МАМАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилоят судининг
судьяси

Хуқуқий масала ҳам

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ қандай тасдиқланади?

— Ёшим саксондан ошди. Фарзандларим, неваря-чевараларим бағрида ашяаппан. Аммо кўзим очқлигида бир ноҳали уйимни ёлғиз қизимнинг фарзандига ҳадя қилиб бермоқчиман. Уйни ҳадя қилишнинг тартиб-қоидалари ҳақида маълумот беришгиз.

Содиқжон МАДМУСАЕВ,
Фаргона шаҳри

— Бу масала бўйича сиз давлат нотариал идорасига мурожаат қилиб, ҳадя шартномасини ишқолашингиз ва уни нотариал тасдиқлашингиз лозим. Ҳадя шартномасини тасдиқлаш ва унинг ҳуқуқий оқибатлари Фуқаролик кодексининг 502-510-моддаларида ўз ақсини топган, кодекснинг 502-моддасида таъкидлаганидек, ҳадя шартномасига мувофиқ биро тароф (ҳадя қилувчи) бошқа тароф (ҳадя олувчи)га ашёни теккига мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзига ёки ўзининг шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни бериши ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки ўзининг шахс олдиданги мулкчи мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Ашё ёки ҳуқуқ муқобил бериладиганда ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя, деб тан олинмайди. Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини теккига беришни ёки биро-бир шахсни мулкчи мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда беришга бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини теккига бериш ёки уни мулкчи мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси, деб тан олинади.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин тоширишнинг назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадя олувчи ўзига ҳадя тоширилганда қадар истагани вақтида уни рад этишига ҳаққи. Агар ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Шу билан бирга, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишига ҳаққи.

Қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари, ҳадя қилиш, аёни пайтида ҳадяни ҳадя олувчига тоширишни оғзаки амалга оширилиши мумкин. Умумий биргаликдаги мулкни ҳадя қилишига мулкнинг барча иштирокчилари розилиги билан йўл қўйилади.

Агар шартнома тузилганда сўнг ҳадя қилувчининг моддий аҳволи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини бериши ё бўлмаса, уни мулкчи мажбуриятдан озод этиш ваъда қилинган шартномани бажаришдан бош тортишига ҳаққи.

Борди-ю, ҳадя олувчи ҳадя қилувчи ва унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир этса, ҳадя суд орқали бекор қилинади. Агар ҳадя олувчининг ҳадя қилувчи учун қанчалик қийматга эга бўлган ҳадя буюмга нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя бекор этилишини суд тартибидан талаб қилишига ҳаққи. Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўлланилмайди.

Ҳадя қилинган ашёдаги камчиликлар ҳадя олувчига тоширилганда қадар пайдо бўлгани аниқ кўриниб турган камчиликлар жумласига кирмаслиги ва ҳадя қилувчи бу ҳақда билган бўлса-да, ҳадя олувчининг оғоҳланмаганлиги исбот қилинган бўлса, ҳадя олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ҳадя қилувчи томонидан қоплашини лозим.

Агар ҳадя шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ҳадя олувчининг шартномада белгиланган ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди. Шунингдек, ҳадя шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди.

Саволга Тошлоқ туман 1-сон ДНИ нотариуси
Бобурбек ЭГАМБЕРДИЕВ жавоб берди.

— Умр йўлдошим билан узоқ йиллар бирга яшадик. Бирок ўзаро муросага кела олмаи, бир йил аввал расмий никоҳдан ажрашдик. Оғир касалликка қалинганман. Дори-дармонга пулим етмаяпти. Собиқ турмуш ўртоғимнинг топиш тутиши ёмон эмас. Айтинг-чи, ундан даволанишим учун ёрдам сўрашга ҳаққим борми?

Жамила МАМАТОВА,
Тошкент вилояти

— Оила кодексининг 117-моддасида эр-хотин бир-биринга моддий ёрдам бериши шартлиги қайд этилган. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола тузилган кундан бошлаб уч йил давомида, ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришига қодир бўлган хотин (эрдан суд тартибида таъминот (алимент) олиш ҳуқуқига эга.

Сиз билан боғлиқ ҳолатда собиқ эрингиздан таъминот олиш ҳуқуқи Оила кодексининг «Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр (хотин)нинг таъминот олиш ҳуқуқи» акс эттирилган 118-моддага асосан тартибга солинади.

Ушбу моддага асосан, никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўлданган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белги-ланishi мумкин.

Яъни, етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотиндан: собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола тузилган кундан бошлаб уч йил давомида;

ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болалиқдан 1 гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралгунча қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёр

ТАШАББУСКОРЛИК УЧУН МУНОСИБ РАФБАТ

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ТУФАЙЛИ КОРХОНА ХОРИЖДА ХАМ ШУХРАТ ҚОЗОНМОҚДА

➤ ЕНГИЛ САНОАТ — ЭКСПОРТГА

Самарқанд шаҳридаги “8-март” тикувчилик ишлаб чиқариш фабрикаси вилоятда энгил саноат салоҳиятини белгилаётган, экспорт имкониятларини тинимсиз ошириб бораётган корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда трикотаж материалларидан тайёрланган бежирга либослар экспорт қилинмоқда.

Асли мазкур корхона иезик мундари таърифидан сўнг банкротликдан қутилиб тараққиёт йўлига тушиб олган ва ҳар бир ходимнинг меҳнати муносиб рағбат топаётган саноат мўъжизаси, деб аташ мумкин. Негаки, ишлаб чиқариш цехлари юқори даражада модернизацияланган, техника ва технологик жиҳатдан буткул янгиланган бугун жаҳон бозори учун рақобатбардор маҳсулот тайёрлаш имконини бермоқда. Корхона Япония ва Германияда ишлаб чиқарилган энгил саноат техникалари билан жиҳозланган ҳамда сифатни бошқаришнинг ягона марказлашган тизими жорий этилган туфайли ҳар ойда 650 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хорижий буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Биз иқтисодий кўрсаткичлар саломини янада ошириш ва бозор талаб-эҳтиёжларидан олдинда юриш учун доимий

изланишдамиз, — дейди корхона бош директори Исмат Амонов. — Хусусан, ишлаб чиқаришни ва маҳсулот турларини кенгайтириш мақсадида шу йилнинг ўзидаёқ 2,5 миллион АҚШ доллари қийматида ички инвестиция жалб этилиб, 450 та янги иш ўрни яратилди.

Дарвоқе, фабрика қошида ташкил этилган “Зарафшонтекстиль” ва “Афросиёб жинси” йўлдош корхоналари ишлаб чиқаришнинг янги, замонавий бўлини сифатида ўз маҳсулотларини аллақачон харидорларга манзур этиб улгурди. Хар икки корхонада тайёрланаётган трикотаж матолар ва жинси либослари буюртмачилар рўйхатини кенгайтирибгина қолмай, энгил саноат амалда қандай ишлаши зарурлигини ҳам намоиш этмоқда.

Корхонамизда энгил саноатни ривожлантиришнинг ҳукумат томонидан белгиланган дастурий амалга оширишнинг барча имкониятлари бор, — дейди “Зарафшонтекстиль” йўлдош корхонаси раҳбари Алишер Саломов. — Энг сифатли пахта хомашёси, табиий матолар, юксак технология ва, албатта, мутахассисларнинг ижодкорлиги, доимий изланувчанлиги иттифоқларга кенг йўл очмоқда. Биз қувватларни қўпайтириб, шунчаки оморларни тўлдириб, бугунги талабларни қондириб турган либосларни эртага ҳам ишлаб чиқариш, янгисини ўзлаштирмасдан туриб, рақобатда ҳеч нарсага эришиб бўлмастлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам ходимлар ўртасида ташаббускорликни, янгилликни интилувчанликни доимо рағбатлантириб борамиз.

Технолог Гулдара Азимова ва моҳир тикувчи Лола Хайдарованинг фикрича, ишга ана шундай ижодий ёндашув туфайли фабрикада ҳар уч ойда беш-олти хилдаги янги либослар буюртмачиларга тақдим этилмоқда. “8-март” фабрикаси шу йилнинг февраль ойида Москва шаҳрида ўтказилган Энгил саноат халқаро савдо-кўргазмасида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, 3 миллион АҚШ доллари миқдорига янги экспорт шартномалари имзолагани ўз-ўзига нисбатан ана шундай талабчанлик ва изланувчанлик натижасидир.

Зоҳир Тўрақулов, «Adolat» мухбири



Суратда: корхона мато тикувчи Лола Хайдарова

Давлат солиқ хизмати органларининг янги «Электрон солиқ хизматлари» портали ишлаб чиқиш, тест режимида амалиётга жорий қилинди.

«Электрон солиқ хизматлари» портали ишга тушди

Солиқ тизими мутахассислари маълум қилишича, ушбу лойиҳанинг асосий мақсади — давлат солиқ хизмати органлари томонидан аҳоли ва бизнесга кўрсатиладиган электрон давлат хизматларини тақомиллаштириш, уларнинг ҳажматларини камайтириш ҳамда солиқ тўловчиларга хизматлардан фойдаланишда қўшимча қўлайликлар яратишдан иборат.

Янги порталда муражаатларни ва ҳисоботларни юбориш, рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш ҳамда маълумотномалар олиш каби хизмат йўналишлари алоҳида бўлимлар сифатида ажратилган, — дейди Давлат солиқ қўмитаси Аxbорот хизмати бошлиғи Музаффар Назаров. — Шунингдек, янгиланган яна бири, бу — барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун алоҳида шахсий кабинет очилгандир. Масалан, илгари яқин тартибдаги тадбиркорларнинг шахсий кабинети мавжуд эмас эди. Эндиликда яқин тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам алоҳида имкониятлар яратилди. Шахсий кабинетларга кириш қисми фойдаланувчиларнинг ягона идентификациялаш аxbорот тизимига ўзгарди.

Эндиликда my.soliq.uz портали орқали солиқ тўловчилар ҳар бир хизмат бўйича ўз фикрлари ва баҳоларини қўйиш, солиқ органлари эса — солиқ тўловчиларнинг фикрларини ўрганиш, тақлиф ва эътирозларини қўриб чиқиш имконияти мавжуд.

Қарор ижроси хусусида маълумот берилди

Пойтахтимизда чет тиллар филиалларидан 4-синф учун яратилган янги дарслик-мажмулар тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан республикада чет тилларини тақомиллаштириш йўлида амалга оширилган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани доирасида ўтказилди.

Халқ таълими вазири, вазирликнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий аxbорот воситалари ходимлари иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида халқ таълими тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор асосида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқа маърузачилар таъкидлаб ўтганидек, мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга чет тилларини самарали ўргатишда умумевропа талаблари асосланган янги Давлат таълим стандартларини ҳамда умумтаълим мактабларидagi чет тиллари кабинетлари учун етказиб берилётган замонавий аxbорот-коммуникация технологиялари муҳим омили сифатида хизмат қилмоқда. Софтвера, чет тили фани бўйича дарсликлар мактаб ёшидаги болаларнинг психологик ва ёш хусусиятлари инобатга олинган ҳолда яратилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини оширмоқда.

Анжуманда, шунингдек, чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини яхшилашга мўлжалланган узлуксиз малака ошириш курслари ташкил этилаётгани, улар орасида энг маҳоратлиқларни ривожлантириш мақсадида ижтисодиёт бўйича тажрибалиларни ошириб кайтиштириш таъкидланди.

Тадбир доирасида оммавий аxbорот воситалари ходимлари 4-синф ўқувчилари учун чет тиллари бўйича яратилган янги дарслик мажмуаси бўйича олиб борилаётган тажриба-синнов жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳридаги 90-сонли умумтаълим мактабига ташриф буюришти.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА



➤ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Президентимиз раҳнамолигида банк тизими тубдан ислоҳ этиш ва янада эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашув даражаси юксалиб, инвестицион фаоллиги кенгайиб бормоқда.

Масалан, 2015 йилда банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз қўпайиб, 7,8 триллион сўмга етди. Сўнгги 5 йилда бу кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилади ва бу умумқабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, ликвидлик даражаси эса энг юқори индикатор кўрсаткичлардан 2 марта қўнди.

Жорий йилнинг 13-14 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Кўргазма савдо маркази» мажмуасида бўлиб ўтган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари «BANKEXP0 — 2016» IX миллий кўргазмасида янги жиҳатлар намоён бўлди. Кўргазмада банк-молия секторида янги технология ва хизматлари тақдим этаётган тижорат банклари, етакчи сургурта, лизинг ва инвестиция компаниялари, молия муассасалари учун ИТ маҳсулотлар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган компаниялар катнашди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар яратишга хизмат қилиб келаётган «Микрокредитбанк» АТБ ҳам ушбу кўргазмада фаол иштирок этди. Кўргазма доирасида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида юқори марраларни қўлга киритаётган тадбиркорлар банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди.

Лайло БОЗОРБОВЕВА, «Оромбахш Дилроз Шифобахш» хусусий корхонаси раҳбари (Жиззах вилояти): — Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигига кўрсатиб келинаётган эътибор ва ғамхўрликнинг узвий давоми

бўлди. Албатта, ушбу жараёнда биз, саломатлик посбонлари зиммамизда катта масъулият борлигини яхши ҳис қиламиз. Шу боис элимизга давлат тиббиёт муассасалари билан бир қатор хусусий тиббий марказлар очиш орқали сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўлишни ният қилдик. Шу мақсадда туманимиз марказида ишга туширилган хусусий муассасани фаолиятини кенгайтириш, янги замонавий тиббий ускуналар харид қилиш учун жорий йилда «Микрокредитбанк»дан 90 миллион сўм кредит олдик. Муассасани янги тиббий ускуналар билан жиҳозлаганимиз ҳисобидан бизда иш билан банд бўлганлар сони 18 кишига етди. Бугунги кўргазмада навбатдаги лойиҳамиз учун «Соғлом она ва бола саломатлигига ҳисса қўшган энг яхши тадбиркор» номинацияси қолиб деб топилганимиз биз учун янада катта имкониятларни тақдим этмоқда. Эндиликда банк томонидан тақдим этилган сертификат орқали оладиган имтиёзли кредит аҳолига кўрсатаётган тиббий хизматларимиз



тури ва сифатини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. **Интизорбону АБДАЛНИЯЗОВА,** «Достон акфа Плюс» хусусий корхонаси раҳбари (Тошкент шаҳри): — Бугунги кунда юртимиз том маънода бунёдкорлик ва қурилишлар майдонига айланган десак, муболага бўлмайди. Чекка-чекка туман ва қишлоқларда саломатлигига кўрсатиб келинаётган эътибор ва ғамхўрликнинг узвий давоми

ридан кўркам кўп қаватли уйлар ҳалқимиз турмуш сифати ва фаровонлиги ортиб бораётганидан далолат беради. Айни шароитда юртимиз бозорларида қурилиш молларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз ҳам «Микрокредитбанк»дан олган имтиёзли кредит эвазига

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ўсиш суръати молия-банк секторини ривожлантириш индикаторларини баҳолаш мезонларига кўра «юқори» даражаларни ташкил этди.



алюмин профиллардан эшик ва ромлар чиқаришга иختисослашган кичик цех фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозирда корхонада 10 нафар илчи-ҳодим миқозларимизнинг буюртмаларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Банк томо-

Жумладан, банкнинг жами капиталга 1 апрель ҳолатига 282,6 миллиард сўмни ташкил этди. Банк активлари йил бошига нисбатан 104 фоизга ошган ҳолда 1 247,6 миллиард сўмни, шундан кредит қўйилмаси 802,7 миллиард сўмни ташкил этди. Банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар қолдиги ҳам ўз навбатида мос равишда 763,4 миллиард сўмни, кредит портфели таркибига узоқ муддатли кредитлар ҳажми 80 фоизни ёки 645,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда ташкил этилган банк тармоғи, жумладан, 85 та филиал ва 110 та минибанклар республикамизнинг барча минтақаларидаги аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаган ҳолда, банк миқозлари сони жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 344 мингдан зиёдни ташкил этди.

«Fitchs reytings» агентлиги 2016 йилнинг январь ойида банкнинг кредитга лаёқатлилиги рейтингларини «В» «Барқарор» деб қайта тасдиқлади.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, биринчи даражали ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш бо-

расида банк филиалларининг кассаларига тушган нақд пул туршумлари миқдори 814,7 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45,6 миллиард сўмга ёки 139,0 фоизга ортди.

Аҳоли «ёмонатлари» қолдигани йил бошига нисбатан 30,0 фоизга ошириш прогнозининг



бажарилишини таъминлаш мақсадида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишни янада кўпайтириш учун ҳозирги кунда тизимда 19 турдаги жозибадор ҳамда аҳоли учун қўлай омонатлар мавжуд бўлиб, шундан 17 турдагиси миллий валютадаги ва 2 турдагиси чет эл валютасидаги омонатлар ҳисобланади. Жумладан, «Пойдевор», «Адолат», «Самара», «Жозиб», «Омад», «Фаровон ҳаёт», «Ёшлик» ва «Оила жамғармаси» деб номланган янги жозибали омонат турлари жорий қилинди.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиги 216,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, белгиланган прогноз нисбатан 102 фоизга бажарилди ҳамда муддатли ва жамғарма омонатлар миқдори йил бошига нисбатан 23,3 миллиард сўмга ёки 32,6 фоизга ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида соҳа субъектларига 125,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди, шундан кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар 66,0 миллиард сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида амалга оширилган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» кредит линиясининг 7,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi револьвер маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали лойиҳаларини молиялаштириш давом эттирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро фонди (IFAD) кредит линияси бўйича 6,0 миллион АҚШ доллари эквивалент миқдорда кредит линия жалб қилинган бўлиб, мевасабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва саклаш бўйича умумий қиймати 4,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 100 та лойиҳа молиялаштирилди.

ИНТИЛГАНГА
ТОЛЕ ЁР

ПАРТИЯДОШИМИЗ ЮТУҒИ

Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг энг катта орзуларидан бири саналади. Шу билан бирга, барча қитъа спортчиларини жамлаган бу нуфузли мусобақада ўз мамлақати шарафини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа спортчини ўз маҳоратини оширишга ундайди.

Жорий йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтadиган ёғи Паролимпиада ўйинларида оғир атлетика йўналишида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган сафдошимиз Ахрор Бозоров ушбу масъулиятни ҳис этган ҳолда совриндорлар каторидан жой олишни мақсад қилган.

1994 йилда Термиз туманида таваллуд топган Ахрор тақдир тақозоси билан фалокат туфайли икки оёғидан ажралди. Аммо мустақкам ирода уни олға интилишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ундади. 2010 йилдан буён устози Фарход Исақулов қўмағида спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган қаҳрамонимиз ўтган давр мобайнида бир неча марта Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Бу йил Малайзияда ўтказилган мусобақада ўз маҳоратини намоён қилган Ахрор Бозоров Паролимпиада йўланмасини қўлга киритди.



Ахрор Бозоров спорт билан мунтазам шуғулланишдан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

— Ҳаёт — бебаҳо неъмат, инсон ундан баҳра олиб яшаш учун дунёга келади. Ҳар биримиз бу бекиёс неъматнинг кадрига етишимиз лозим, — дейди Ахрор Бозоров. — Мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган, шунга муносиб равишда ютуқларга эришишда куч-ғайрат ва шижоат кўрсатишимиз шарт, деб биланман Эндиликда Паролимпиада мусобақаларида энг яхши натижалар билан юртдошларимни хушнуд этиш орузидаман.

Бўлажак мусобақаларга пухта тайёргарлик кўраётган маслакдошимиз Ахрор Бозоровга бу юксак орзуларига эришишда куч ва омад тилаймиз.

Максуд Тўраев, Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Qishloq Qurilish Bank
ПУХТА ВА САМАРАЛИ БИЗНЕС FOЯ —
РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



«BANKEXPO — 2016»

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш борасида амалга оширилётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодий-тимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига йўл очиб берди.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хўжалик субъектлари, турли хил мулкчилик шаклига эга корхоналар ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши учун қўшимча пул маблағларига эҳтиёж сезиши табиий. Бу эҳтиёж эса зарур бўлганда банк кредитлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Шу сабабли бозор шароитида банк муассасаларининг, улардаги кредит механизмининг ўрни ва роли юқори даражада бўлади.

килиш, истикболдаги миқозларга замонавий инфорацион технологиялардан фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари, шунингдек, банк технологиялари ва ускуналари билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

2016 йилнинг 13-14 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги «Кўрғазма савдо маркази» мажмуасида ўтказилган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари бўйича «BANKEXPO — 2016» IX миллий кўрғазмаси ҳам республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари, молиявий муассасаларнинг имконияти, салоҳиятини кенг жамоатчиликка намойиш қилиш майдонига айланди.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ҳам мазкур кўрғазмада фаол иштирок этиб, бўлажак ва ҳозирги миқозларга банк то-

монидан кўрсатилаётган хизматлар турлари ва афзалликлари, ажратилаётган кредит турлари ҳамда механизмлари ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, янги банк хизматларидан ҳисобланмиш «Мобиль банкинг» дастури хизмати имкониятлари ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан жисмоний шахсларга пластик карталар орқали ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланаётган фоииз тўловлари кўрғазмага ташириб буюрган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кизиқиши ортитишга сабаб бўлди.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан «Соғлом она ва бола» Давлат дастури доирасида жорий йилнинг февраль ойида энг яхши бизнес лойиҳаларни саралаб олишга қаратилган кўрик-танлов ўтказилиши эълон қилинган эди. Танловда интенсив бoғ яратиш, ба-

ликчилик, чорвачилик, тикувчилик ва матолар, полиетилен махсулотлари ишлаб чиқариш, нон ва нон махсулотлари тайёрлаш, сервис хизматларини кўрсатиш, соғломлаштириш маркази ҳамда гўзаллик салонлари каби хизматлар соҳасини ривожлантиришга қаратилган 180 дан ортиқ лойиҳалар билан талабгорлар қатнашди.

5 та номинацияда ўтказилган мазкур кўрик-танловнинг совриндорлари банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари «BANKEXPO — 2016» IX миллий кўрғазмасида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ раҳбарлари томонидан муносиб тақдирланиб, миқозларга кредит олиш ҳуқуқини берувчи имтиёзли сертификат ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Банк матбуот хизмати

Nizmatlar tijnsiziyalangan

ASAKA BANK
ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«АСАКА» БАНК
2016 йил — «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:
«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»
Ушбу омонатга ҳисобланган фоиизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда тақлиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.
«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ҳикматлар
АЛИШЕР НАВОИЙ
ADOLAT BOBIDA
Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адл бузук мулкни обод этар.
Қилиб ул адл ойинини бунёд,
Ки адлдин бўлуб вайроналар обод.
То тирик эрди шоду беғам эди,
Адлдин мулки сабуу хуррам эди.
Адолат аро фасли Наврўздек,
Сиёсатда барки жаҳонсўздек.
Адолат қилурнинг топиб ҳолатин,
Фузуун қилсун элга адув олатин.
Неким ҳақ буюрмиш, бўлиб пайрави,
Ҳақ айтур улус илгин этсин қавий.
Адолат тарийқини фош айлади,
Сиёсат анга дурбош айлади.
Адолат қўлин тутти андоқ бийик,
Ки топди амон арслондин кийик.
Ки чун қилди ул шоҳи новхоста,
Адолат била мулкни ораста.
Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.
Новий давлат педагогика институти хузуридаги академик лицей ўқитувчиси Ҳ.ЭҒАМОВА тайёрлади.